

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

24

-сонли ШАРТНОМА

Қўқон шаҳри

2022 й. “05” июн

Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи “Фарғона нефт базаси” МЧЖ Қўқон филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар А.А.Аббасов бир томондан ва “Истеъмолчи” деб аталувчи Узбекистон тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли карорига асосан ўтган хафтада биржা савдоларида шаклланган ўртacha котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни кайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли карорига асосан ўтган хафтада биржা савдоларида шаклланган ўртacha котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни кайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдағи чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли карорига асосан биржা савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефтьмаҳсулотлариниетказиб бериш, “Истеъмолчи” эсаётказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятлариниушбу шартномада келишилган шартларда бажарини ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини саклаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм микдорида хизмат ҳаки тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини саклаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида хисоб-варака (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” хисоб-варака (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (үн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараённида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табиий йўқотиш” қўллайди (табиий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан коплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси _____ сўмни ташкилкилади.

2.2.“Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буортмаси олинган куни сотилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум килади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буортмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишлихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буортмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди

3.3. Нефтьмаҳсулотлари омборига нефтьмаҳсулотинитаувчи автомобиль цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-

сонли йурикномалар ҳамда бошқа мөъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вактда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга карашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул килиб олади. Эгалик хукуки тасодифий нобуд бўлиши, нефтьмаҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЕКШхудудидан чиқкан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬМАҲСУЛОТЛАРИНИГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи”“Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефтьмаҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефтьмаҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фукаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз хисобидан тиклаб бериш билан бир каторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлади.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлади ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик кийматини ундириш хукуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи” ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва мөъёрларига тўлик амал қилинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи” етказиб берилган нефть маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш

тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу харакатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда, олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисадий судлар оркали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзgartiriш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”:

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ

Қўқон филиали

Манзили: Қўқон шахар,
2-Кудуклик кўчаси 15-уй
х/р: 22604000300215485705
Саноат курилиш банк Яшнабод
филиали МФО: 00432
ОКОНХ: 71150
ИНН: 201104250, тел: 73-244-78-80

Рахбар  А.Аббасов

“ИСТЕММОЛЧИ”:


Чиңириш шароит
оёбдошлиштириш бош-
када
Н.Чиңириш шароит 2
х/р 23462600300 10000 1010
ш/х 100027860302217011503110001
е/юз 00014 ыюнекит ич туб

ОНОН 97600 ИИН 201122919

Рахбар  Н.Ахунташев

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

 Н.Ахунташев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi

SHARTNOMA

2. Loyihaning nomi

Neft maxsulotlarini yetkazib berish bo'yicha shartnoma

3. Shartnomaning mazmuni

"Ta'minotchi" deb ataluvchi "Farg'ona neft bazasi" MChJ Qo'qon filiali nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi raxbar A.A.Abbasov bir tomondan va "Iste'molchi" deb ataluvchi Uchko'prik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurituvchi raxbari D.Y.Ergashev ikkinchi tomondan, ushbu shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

1.1. "Ta'minotchi" Respublika xom ashyo birjasi savdolarida yutib olgan Buxoro neftni qayta ishslash zavodi MChJning neft mahsulotlarini O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Neft-gaz tarmog'inining moliyaviy barqarorligini oshirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2020-yil 4-apreldagi PQ – 4664-sonli qaroriga asosan o'tgan haftada birja savdolarida shakllangan o'rtacha kotirovka narxlarida "Iste'molchi"ga sotadi.

1.2. "Ta'minotchi" Respublika xom ashyo birjasi savdolarida yutib olgan Farg'ona neftni qayta ishslash zavodi MChJ va boshqa ishlab chiqaruvchilar, shuningdek importyorlardan sotib olingan neft mahsulotlarini O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Neft-gaz tarmog'inining moliyaviy barqarorligini oshirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2020-yil 4-apreldagi PQ – 4664-sonli qaroriga asosan birja savdolarida sotib olingan narx ustiga o'zining ustamasini qo'yib "Iste'molchi"ga sotadi.

1.3. "Ta'minotchi" "Iste'molchi"ning buyurtmasi asosida tegishli rusum va miqdordagi neftmahsulotlarini yetkazib berish, "Iste'molchi" esa yetkazib berilgan neft mahsulotlarini qabul qilib olish va haqini to'lash majburiyatlarini ushbu shartnomada kelishilgan shartlarda bajarishni o'z zimmalariga oladilar.

1.4. "Ta'minotchi"ning ("Farg'ona neft bazasi" MChJ yoki uning filiallarining) tasarrufida mavjud bo'lган rezervuarlarda (AYOQSh yoki FYOTShlarida) "Iste'molchi"ning 1 tonna neft mahsulotlarini saqlaganligi, "Iste'molchi"ning buyurtmasiga asosan uning texnikalariga neft mahsulotlarini quyib bergenligi uchun "Iste'molchi" "Ta'minotchi"ga 1 sutkaga 3580 so'm miqdorida xizmat haqi to'laydi.



"Ta'minotchi" ("Farg'ona neft bazasi" MChJ yoki uning filiallari) mavjud bo'lган rezervuarlarda "Iste'molchi"ning neft mahsulotlarini saqlaganligi, "Iste'molchi"ning buyurtmasiga asosan uning texnikalariga neft mahsulotlarini quyib bergenligi uchun "Iste'molchi"ga har oy yakuni bo'yicha alohida hisob-varaqa (schyot-faktura) taqdim etadi.

"Iste'molchi" hisob-varaqa (schyot-faktura) olgan kundan boshlab 10 (o'n) kun mobaynida to'lovni amalga oshiradi.

Ushbu shartnoma Uchko'prik tumani obodenlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 13 yanvar kuni Uchko'prik tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga elektron shaklda taqdim qilingan.

Shartnoma loyixasini xuquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 122-moddasi 5-qismida "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berish to'g'risida tuziladigan shartnomalarida 15 foiz miqdorida oldindan to'lovni amalgalash oshirish nazarda tutiladi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilangan hollar bundan mustasno." deb belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011 yil 24 avgustdagi 241-son "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori ilovasida ko'rsatilgan  shkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori ilovasida ko'rsatilgan  shkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro'yxati'da avtomobil benzini va dizel yonilgisi uchun shartnoman  nasidan 100% oldindan to'lash mumkinligi belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksining 122-moddasi 3-qismiga ko'ra, byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarining byudjetdan ajratiladigan mablag'lar bo'yicha tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib beruvchilar bilan tuzgan shartnomalari, shuningdek ularga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar ular g'aznachilik bo'linmalarida ro'yxatdan o'tkazilganidan keyin kuchga kiradi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi va amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq Uchko'prik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan taqdim qilingan «Ta'minotchi» «Farg'ona neft bazasi» MChJ Qo'qon filiali hamda «Iste'molchi» Uchko'prik tumani Obodonlashtirish boshqarmasi o'ttasida neft mahsulotlari yetkazib berish haqidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariiga muvofiq deb topilsin.

13-yanvar 2022-yil

Uchko'prik tumani Yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti

I.Murodov